

**Банк карталари воситасида корхона/ташкилот ишчи-ҳодимларига иш ҳақи
тарқатиш бўйича**

ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Ушбу Оммавий оферта шартномаси (кейинги ўринларда “Оферта”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини нг 367 ва 369-моддаларига мувофиқ, корхона/ташкилотнинг ишчи-ҳодимларига иш ҳақи тарқатиш бўйича юборилган расмий оммавий таклиф бўлиб ҳисобланади.

Оммавий оферта шартномаси Мижоз томонидан банк ҳисобварағи очиш юзасидан муурожаат қилинган аризани тақдим этиш билан ёхуд ушбу шартномага илова қилинган аризани, белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган вақтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади ҳамда мижоз мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини ва Банк Тарифларига асосан тўловларни тўлашни истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини англатади.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Банк иш куни	Ўзбекистон Республикасидаги банклари томонидан операциялар бажариладиган очиқ кун;
Банк картаси блокировкаси	Банк картасининг функционаллигини тўхтатиб туриш ёки бутунлай тўхтатиб қўйиш учун Банк томонидан кўрилган чора;
Банк картаси сақловчиси	Банк карталарини тарқатувчи эмитент ёки банк билан мижоз ўртасидаги шартномага асосан банк картасидан фойдаланувчи мижоз ёки мижоз томонидан вакил этиб тайинланган шахс;
Рўйхатнинг хужжатлаштирилган шакли	Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунга мувофиқ электрон шаклдаги рўйхатнинг корхона раҳбари, бош ҳисобчиси (ёки имзолаш ҳукуқи берилган жавобгар шахс) томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган электрон ведомость;
Ариза	Ташкилот ходимини пластик карточка олиш ҳақидаги муурожаати;
Жисмоний шахс томонидан Банклараро миллий банк карталаридан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича шартнома	Банк карталаридан фойдаланиш тўғрисида Банк ва Ташкилот ходимлари ўртасида тузилган шартнома;
Карта ҳисоб рақами	Банк картаси орқали амалга оширилган ҳисоб китоблар ҳисобини юритиш мақсадида Банкда очилган ҳисоб рақами;
Банк картаси	Ўз эгасига банк ҳисоб рақами орқали банк картасининг амал қилиш муддати доирасида, нақд

	пулсиз шаклда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда нақд пул олиш имкониятини берувчи тўлов картаси;
Рўйхат	Электрон ва ҳужжатлаштирилган шаклдаги корхона ва ташкилотнинг ишчи ходимларининг рўйхати;
Банк тарифи	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви томонидан тасдиқланган, банк карталар орқали банк операциялари амалга оширилганда, банк карталарини муомалага чиқаришда ва уларни янгисига алмаштириб беришда Ташкилотдан ундириладиган комиссия тўловлар;
Электрон шаклдаги рўйхат	Корхона/ташкилотнинг, банк томонидан жорий қилинган “Корпоратив Интернет банкинг” ёки Бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик бошқармаси томонидан молиялаштириладиган тўловлари бўйича иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов қайдномаларини Ғазначилик бошқармасининг “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали банк картаси ҳисоб рақамларига кирим қилиш учун асос бўлган электрон ведомость;
Эмитент	Банк картаси эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига мулк ҳуқуқига эга бўлган, уларнинг сақловчилари ва эквайерлари олдида улар томонидан банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўйича ўз номидан мажбуриятларни зиммасига олган банк. Банк картасининг эмитенти фақат Бош банк ҳисобланади;
Банк карталари эмиссияси	Банк карталарини муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолият;
Эквайринг	Банк карталари орқали товар (иш, хизмат) сотувчилари билан операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда банк карта эгасига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул бериш, инфокиоскаларда тўловларни амалга ошириш;
Эквайер	Эквайрингни амалга оширувчи банк;
Товарлар (иш, хизмат) сотувчиси	Бу эквайер билан тузилган шартномага асосан банк картаси орқали товарлар (иш, хизмат) сотувини амалга оширувчи хўжалик (юридик ва/ёки юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс) субъекти;
Терминал	Банк картаси сақловчисига тўлов операцияларини амалга ошириш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича «слип»ларни шакллантирувчи қурилма;

Авторизация	Тўлов ташкилоти томонидан кўзда тутилган қоидаларга асосан телефон ёки алоқанинг бошқа турлари бўйича банк картаси билан операцияларни амалга ошириш учун эмитент банкнинг рухсатини олиш жараёни;
ПИН-код	Банк картаси сақловчисининг шахсий идентификацион рақами бўлиб, карта ҳисоб рақамидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга банк картаси сақловчиси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди;
Тўлов операцияси	Банк картаси орқали товарлар (иш, хизматлар) учун амалга оширилган тўлов;
Слип	Банк картаси орқали амалга оширилган операцияларни тасдиқловчи, операциянинг миқдори, тури, амалга оширилган санаси тўғрисидаги маълумотларни ва ушбу «слип»ни шакллантирган банк картаси ҳамда терминални, банкоматни ёки инфокиоскани тўғри аниқлай билиш имкониятини берувчи ахборотни ўзида мужассамлаштирган терминал квитанцияси;
Тўлов тизими иштирокчилари	Маълум бир тўлов тизимига тегишли бўлган банк карталаридан фойдаланиш бўйича шартнома муносабатларига кирувчи юридик ёки жисмоний шахслар;

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Корхона/ташкилотнинг ишчи-ҳодимларига иш ҳақи лойихасидаги банк картаси ҳисобрақамларини очиш, банк карталарини тарқатиш ҳамда Банкда ўрнатилган тарифлар ва мазкур шартнома шартлари асосида банк карталарига хизмат кўрсатиш мажбуриятини, корхона/ташкилот кўрсатилган банк хизматлари учун ушбу шартномада белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш ва ўз ҳодимлари банк карталарига кирим қилинган маблағларни бошқариш мажбуриятларини олади.

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Банк карта ҳисоб рақамлари нақд пулсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тўлдирилади;

2.2. Банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун белгиланган тартибда тасдиқланган тарифларга асосан хизмат комиссияси ундирилади.

3. КОРХОНА/ТАШКИЛОТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Корхона/ташкилотнинг ҳуқуқи:

3.1.1. Солиқ ва унга тенглаштирилган бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга ошириш;

3.1.2. Корхона/ташкилотнинг ишчи-ҳодимлари томонидан йўқотилган, ўғирланган, шикастланган, амал қилиш муддати тугаган ёки қўшимча банк карталарини муомалага чиқариш билан боғлиқ амалиётлар учун банк хизматини тўлаб бериш.

3.2. Корхона/ташкилотнинг мажбурияти:

3.2.1. Банкдан олинган банк карталарини масъул ходимга ва/ёки ишчи ходимларга тарқатиш ва ушбу банк картаси ҳисоб рақамларига пул маблағларини кирим қилиш мақсадида Банкка пул маблағларини кўчириш;

3.2.2. Ишчи ходимларининг банк карталари рақамларини рўйхатдан ўтказиш;

3.2.3. Банкдан олиниб, эгаларига етказиб берилмаган банк карталари бутлигини таъминлаш;

3.2.4. Банкдан олиниб, эгаларига берилмаган банк карталари ўғирланган ёки йўқотилган ҳолларда, карталарни блокировка (Стоп-лист)га қўйиш ҳақида Банкка ёзма муурожаат қилиш;

3.2.5. Корхона/ташкилот томонидан ишчи-ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари бўйича тўлов қайдномаларини банкка қуйидаги тартибда электрон ведомость (реестр) тақдим этиш;

а) Корхона/ташкилот томонидан “UzASBO” ва/ёки “Корпоратив Интернет банкинг” орқали ишчи-ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни кирим қилишда электрон ведомосдаги (реестр) масъул ходим ва ишчи-ходимларнинг Фамилия, Исми, Шарифларини уларнинг эмиссия қилинган пластик карточкадаги Фамилия, Исми, Шарифларига ва пластик карточка рақамларини бир хиллигини таъминлаш;

б) “UzASBO” ва/ёки Банкнинг “Корпоратив Интернет банкинг” дастурий мажмуалари орқали юбориладиган қайдномалардаги маълумотларнинг тўғрилигини ҳамда асл қоғоз босмасини ўзида сақланишини таъминлаш;

3.2.6. Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун банк Тарифларида белгиланган миқдорда комиссия тўлаш;

3.2.7. Банк томонидан Корхона/ташкилот ишчи-ходимларининг банк карта ҳисоб рақамларига маблағлар кирим қилинмаган бўлса, тақдим қилинган электрон шаклдаги рўйхатни Банкдан расмий сўровнома асосида қайтариб олиш;

3.2.8. Банк карталарининг қолдиқ маблағларидан ошган миқдорда бажарилган транзакциялар юзага келганда, ошган миқдорини 30 кун ичида сўндириш.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Корхона/ташкилот томонидан Банк комиссияси тўланмаган ёки уни тўлаш учун тўлов топшириқномаси тақдим этилмаган ҳолатда Банк, Корхона/ташкилот ишчи-ходимларининг банк картасига пул маблағларини ўтказиб беришни рад қилиши мумкин.

4.1.2. Корхона/ташкилот томонидан тақдим этилган электрон ведомосдаги (реестр) маъсул ходим ёки ишчи-ходимларнинг Фамилия, Исми, Шарифи ва пластик карточка рақамлари банк базасидаги маълумотларга мос келмаган тақдирда, ишчи-ходимларининг банк картасига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни автоматик равишда кирим қилинишини рад этиш;

4.2.3. Банк картаси ҳисоб рақамларига “UzASBO” ва/ёки “Корпоратив Интернет банкинг” тизими орқали маблағлар кирим қилганидан кейин, корхона/ташкилот томонидан тўлов қайдномаларни электрон файл кўринишда маблағларни кирим қилинишини тўхтатиш ҳақидаги сўровномасини рад этиш;

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

4.2.1. Банк, корхона/ташкилот сўровномасига ёки ишчи ходимларининг аризасига асосан банк карталарини эмиссия қилиш ва мазкур шартнома шартларига мувофиқ хизмат кўрсатиш;

4.2.2. Корхона/ташкилот томонидан ариза келиб тушган кундан ҳамда Банк комиссия тўловлари тўлангани бошлаб 5 банк иш куни давомида карточка эгаларига ёки уларнинг ишончнома асосидаги ишончли вакилларига банк карталарини бериш;

4.2.3. Банкка келиб тушган тўловлар билан биргаликда тегишли равишда расмийлаштирилган тўлов топшириқнома нусхаси ҳамда электрон шаклдаги рўйхат асосида банк картаси ҳисоб рақамларига пул маблағларини кирим қилиш.

4.2.4. Банк томонидан корхона/ташкilotдан келиб тушган нақд пулсиз шаклдаги тўловларни, электрон шаклдаги рўйхатга мувофик кирим қилиб бериш.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Банкнинг жавобгарлиги:

- Ўзбекистон Республикасининг Банк сири тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилинмаслиги натижасида корхона/ташкilot кўрган зарарни қоплаш;

- Банкка келиб тушган тўловлар билан биргаликда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқнома нусхаси ҳамда электрон файлга кўра кирим қилиниши лозим бўлган пул маблағлари кечиктирилганда, ҳар бир кечиктирилган кун учун кирим қилиниши лозим бўлган маблағнинг 0,01% миқдорида пеня тўлаш, бунда маблағнинг 10% дан ошмаган миқдорда пеня тўлаш.

5.2. Банк қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

5.2.1. Корхона/ташкilot томонидан банк картаси йўқолганлиги/ўғирланганлиги тўғрисида Банкни ўз вақтида карточкани блокировкага (Стоп-листга) қўйиш ҳақида хабардор қилинмаганлиги натижасида юзага келган ҳолатларда;

5.2.2. Пул маблағларини банк карталарига қуйидаги ҳолатларда кечиктириб кирим қилинганда:

а) ташкilotнинг айби билан ўрнатилган тартибда бажариладиган банк операцияларини бекор қилинишида;

б) корхона/ташкilot томонидан электрон шаклдаги рўйхат ҳамда тўлов топшириқномасидан нусха Банкка ўз вақтида тақдим қилинмаганда;

в) корхона/ташкilot томонидан Банк хизматлари учун ҳисоб китоб қилишда хатоликларга йўл қўйилганда ёки тўловлар нотўғри амалга оширилганда.

г) “UzASBO” ва/ёки Банкнинг “Корпоратив Интернет банкинг” дастурий мажмуалари орқали юбориладиган қайдномалардаги маълумотларнинг тўғрилигига/ қоғоз босмаси билан мувофиқлигига;

д) корхона/ташкilot томонидан банк картаси рақамлари ва сақловчиларининг фамилияси, исми ва шарифи нотўғри кўрсатилганда;

5.3. Корхона/ташкilotнинг жавобгарлиги:

- корхона/ташкilot томонидан йўқотилган, ўғирланган банк карталари бўйича ўз вақтида Банкка блокировкага (Стоп-листга) қўйиш ҳақида хабар берилмаганлиги натижасида Банкка келтирилган зарарни тўлиқ қоплаб берилишига;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни кирим қилиш учун тақдим этилган электрон ведомостларнинг тўғрилигига;

- корхона/ташкilot томонидан ишончли вакилларига берилган ишончномаларга ва реестр орқали банкдан қабул қилинган пластик карточкаларни ўз эгаларига етказиб берилишига.

- корхона/ташкilotнинг айби билан ёки карточкани йўқотиб қўйилганлиги сабабли блокировкага (Стоп-Лист) қўйиш натижасида банк томонидан қилинган ҳаражатларни ҳамда банк тарифига асосан хизмат комиссияси бўлган пул маблағлари тўлови кечиктирилганда, ҳар бир кечиктирилган кун учун кирим қилиниши лозим бўлган маблағнинг 0,01% миқдорида пеня тўлаш, бунда маблағнинг 10% дан ошмаган миқдорда пеня тўлаш.

5.4. Томонлар энгиб бўлмайдиган куч таъсирида яъни, ёнғин, сув тошқини, зилзила, электр тармоғининг узилиши/тўхтатилиши ва тарафлар назоратидан ташқари тўсиқлар вужудга келиши натижасида ўз мажбуриятларини бажара олмаганларида ёки лозим даражада бажара олмаганларида жавобгарликдан озод этиладилар.

5.5. Мазкур шартномани ижро қилиш мақсадида тарафлар томонидан тақдим этилган маълумотлар махфий ҳисобланади, ҳамда у тарафларнинг олдиндан ёзма равишдаги розилигисиз ошкор қилинмайди. Бундай маълумотларни ошкор қилинганда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома шартларини бажарилиши жараёнида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан туманлараро иқтисодий суд орқали ҳал этилади.

6.3. Томонлар низони ҳал қилишда ўзида сақловчи қурилмалардаги маълумотларни далил сифатида тан олишга келишадилар.

6.4. Ёзма мурожаатлар, тарафларнинг бири имзо қўйиб қабул қилиб олганлиги ёки манзилига почта орқали юборилганлиги тўғрисида почта квитанцияси мавжуд бўлганда, тарафлар томонидан қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда акцептланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинмагунига қадар амал қилади.

7.2. Мазкур шартнома Корхона/ташкilotнинг ташаббуси билан бекор қилинганда тўланган банк комиссияси қайтарилмайди.

7.3. Мазкур шартнома мижоз томонидан ёзма равишда мурожаат қилган ҳар қандай вақтда, шунингдек ҳисоб рақам бошқа банкка ўтказилганида ёхуд мижоз фаолияти белгиланган тартибда тугатилган тақдирда бекор қилинган ҳисобланади.

7.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.